Ушбу сонда:
2 Оғуси дунё сари АҚЛ КУШАНДАСИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 апрел, шанба №65 (1079)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## УЛГУРЖИ ВА БИРЖА САВДОСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Республикада бозор инфратузилмасини шакллантириш, улгуржи ва биржа савдосини ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид қилишни монополиядан чиқариш, товар-хомашё биржаларидаги савдода контрактлар тузиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Ўзбекистон товар-хомашё биржаси, доимий ишловчи Республика ярмарка савдоси маркази «Ўзкўргазмасавдо», улгуржи бозорлар тармоғи, бозор инфратузилмасининг бошқа бўғинлари ташкил қилинди.***

Шу билан бирга улгуржи ва биржа савдосининг мавжуд тизими самарасиз ишламоқда. Тайёр маҳсулотларни ва моддий-хомашё ресурсларини биржа савдоларида сотиш ҳажми етарли даражада эмас. Келишувларни тузиш чоғида ҳамон эскича номақбул маъмурий-буйруқбозлик тамойиллари устун бўлиб, бунда моддий ресурслар сотувчилар билан истеъмолчилар ўртасида олдиндан тақсимлаб қўйилмоқда. Кўплаб биржа келишувлари амалда биржалар савдо сессияларида эмас, балки улардан ташқарида тузилмоқда. Рақобатчилик ва танлаш эркинлиги йўқ даражада. Талаб ва таклифнинг мутаносиблигига асосланган бозор механизмлари ҳали суст ишламоқда.

«Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси фаолияти бозор иқтисодиётининг ҳозирги замон талабларига мос келмайди. Мавжуд ишлаб чиқариш ва омборхона имкониятларидан самарасиз фойдаланилмоқда. Улгуржи, биржа савдоси корхоналарининг сарф-харажатлари ва шунга кўра савдо устама нархлари юқори даражададир. Моддий ресурсларнинг биржа савдоси асосан марказда жамланган. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда қурилиш ташкилотларининг бозор шароитида моддий-техника ресурсларини эркин харид қилишлари таъминланмаяпти.

Биржа ва ярмарка савдолари қониқарсиз ўтказилаяпти. Брокерлар малакаси, айниқса вилоят товар-хомашё биржаларида паст даражададир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда:

1. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг улгуржи ва биржа савдоси тизимини ташкил этиш борасидаги иши қониқарсиз деб топилсин.

2. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси ва товар-хомашё биржаларининг фаолиятини таҳлил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 январдаги 10-сон фармойиши билан тузилган Махсус комиссиянинг, Давлат мулк қўмитасининг ва «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси муассисларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси - «Ўзулгуржибиржасавдо»ни тугатиш тўғрисида;

тугатилаётган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таркибида бўлган республика улгуржи-савдо ташкилотлари негизида «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини ташкил қилиб, унинг зиммасига корхоналар ҳамда ташкилотларнинг буюртмалари бўйича, шунингдек ҳукуматнинг топшириқларига кўра ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларга мувофиқ контрактлар тузиш ҳамда уларни бажариш бўйича улгуржи савдо соҳасида ва омборхоналар билан хизмат кўрсатиш вазифасини юклаш тўғрисида;

тугатилаётган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таркибида бўлган ҳудудий акциядорлик тижорат-воситачи компанияларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари қарамоғига ўтказиб, улар зиммасига улгуржи ва майда улгуржи савдони ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар моддий-техника ресурсларини янада эркинроқ харид қилишлари учун шарт-шароит яратиш вазифаларини юклаш тўғрисида.

3. Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасини тугатилаётган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таркибидан чиқариб, унинг фаолиятини мустақил бозор тузилмаси сифатида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига биржа фаолиятини ташкил этишни яхшилашга, биржа битимларининг амалга оширилиши ҳамда биржа нархлари белгиланиши учун биржалар ва биржа савдоси қатнашчиларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган зарур ўзгартиш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

5. «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси «Ўзшартномасавдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги ПФ-772-сон Фармонининг 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 апрел

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Фарғона вилоят божхона бошқармаси вилоятнинг чекка ҳудудларида жойлашган мактабларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқди.

Эндиликда 24 та умумтаълим мактаби божхоначилар кўмагидан баҳраманд бўлади. Ташаббускорлар мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарурий ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилишларига амалий ёрдам беради, кам таъминланган, кўп болали оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга иқтидорли, аълочи ўқувчи ёшларга махсус стипендиялар ташкил қилади. Божхоначилар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида қўшимча машғулотлар ҳам уюштиришади.

Бу борадаги иш кўлами узлуксиз бўлишини таъминлаш мақсадида ҳар бир умумтаълим мактаби жойлардаги божхона масканларига бириктириб қўйилди.

*Ҳур ўлканинг бахтиёр ёшлари*
Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

## МАҲСУЛОТ ХАРИДОРИНИ ТОПДИ

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўрта ва кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш, товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларнинг таклиф ва талабларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш шу куннинг долзарб вазифаларидан. Буни тўғри англаган Навоий вилоят «Улгуржи таъминот» ҳиссадорлик жамияти доимий хизмат кўрсатадиган ярмаркалар ўтказишни йўлга қўйди.

Куни кеча бўлиб ўтган ярмарка пештахталаридан 250 хилдан зиёд маҳсулот ўрин олди. Унда «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси, Навоий кон металлургия комбинатида ишлаб чиқарилган буюмлар, Қувасой ойнаси, Бекобод ва Ангрен ғишти, «Қизилқумцемент» қўшма корхонаси цементи, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси газлама-матолари каби истеъмол товарлари ярмаркада кенг намойиш этилди.

Ярмаркага вилоятдаги йирик корхона, ташкилот, муассаса, ишлаб чиқариш бирлашмалари, тадбиркорлар вакиллари, ҳатто қўшни Бухоро ва Самарқанддан ишбилармонлар ташриф буюриб, қирққа яқин шартнома тузилди. Шу куннинг ўзида қарийб 100 миллион сўмлик маҳсулот ўз харидорини топди.

***Жондор Бухоро вилоятининг саноати ривожланиб бораётган туманлардан бири. Унинг энг катта бойлиги эса юрт ишқида ёниб-жўшаётган фидокор кишилари. Андишали, сабр-бардошли, айни пайтда қўли гул инсонлар чинакам мўъжизалар яратишмоқда.***

## ЮРТ ИШҚИДА ЁНГАНЛАР

Мустақиллик йилларида бу ерда қишлоқ хўжалиги билан бирга саноат ҳам жадал ривожланди. Тошқул Хотамов номли ширкат хўжалиги ҳудудида пластмасса буюмлар ишлаб чиқарувчи, марказий шаҳарчада консерва, Далмунда эса Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда бунёд этилган «Хадам» пиллани қайта ишловчи қўшма корхона маҳсулотларига талаб катта. Экспорт ҳажми ортиб бораётганлиги барчани қувонтирмоқда.

Ер ҳақиқий эгалари қўлига топширилганлиги, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш омилларидан унумли фойдаланилаётганлиги боис, маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари — фермерлар, кўпдан-кўп оилавий пудратчилар фидойилик кўрсатиб ишлаб, юрт ишқида ёнган инсон нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатишмоқда. Ширкат хўжаликлари қарор топгач, меҳнатчиларда ерга, бурчга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Улар мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни жадал ривожлантириш фидойиликни, изланишни, ташаббускорликни тақозо этишини яхши тушунишмоқда.

Жондорда ажойиб ўринбосарлар етишиб чиқмоқда. Ахир, мавжуд 125 минг аҳолининг 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Туман ҳокимлиги ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган касаба уюшмалари билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этиб, йигит ва қизларни муқим иш билан таъминлаш пайида бўляпти. Бугунги кунда «Техника» кичик корхонаси, «Файратали» каби фермер хўжаликларини оловқалб ёшлар бошқараётганлиги, ютуқлар салмоқли бўлиб бораётганлиги диққатга сазовор.

Яқинда янги коллеж қурилиши ниҳоясига етказилди. 49 та мактаб, 2 та махсус интернатда 20 мингдан зиёд фарзандлар таълим-тарбия олаётир. «Мактаблар куни» шарофати билан илм масканларининг моддий-техника базаси тубдан яхшиланмоқда. Ҳомийлар ёрдамида 4,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар, бадиий адабиётлар келтирилди. Мутасаддилар аҳоли учун энг яхши турмуш тарзини яратиб бериш орзусида ибратли тадбирларни амалга оширишяпти. 35 километрли юқори босимли газ қувурлари фойдаланишга топширилгач, энг чекка қишлоқларнинг ҳам зангори оловга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Йил охиригача 12 километрли водопровод тармоғи тортилади.

«Зарафшон» каналининг ишга туширилиши «Моҳонкўл» хўжалигида қўшимча 10 минг гектар майдонни суғориш имконини берди. Боғ-роғлар яшнади, янги иш ўринлари яратилди. Муҳими, жондорликлар эртанги кунга комил ишонч билан боқмоқдалар. Ҳамжиҳатлик, аъло кайфият, ташаббускорлик бор жойда эзгу ниятлар рўёбга чиқаверади.

**И.ЙЎЛДОШЕВ, У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбирлари.**

## «УСТА-ШОГИРД» ҲАФТАЛИГИ

***Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида «Уста-шогирд» ҳафталиги ниҳоясига етди.***

Вилоятда вояга етмаган ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, уста-шогирд анъаналарини қайта тиклаш, такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ушбу ҳафталик жойларда ўзининг ижобий самарасини берди. Биргина Риштон туманида ўтказилган ҳафталикда 1500 дан зиёд вояга етмаган ёшлар аниқланиб кулолчилик, дурадгорлик, тикувчилик, нонвойлик, косиблик, ошпазлик сингари ўзлари қизиққан касбларни эгаллаш учун маҳоратли усталар қўлига топширилди.

- «Уста-шогирд» ҳафталиги давомида вилоятимиздаги 500 мингга яқин вояга етмаган ёшлар 4 минг нафардан зиёд усталарга шогирдликка берилди, - дейди Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» масъул котиби Иброхимжон Рашидов. - Жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар улар фаолиятини мунтазам назорат қилиб боради.

**(ЎзА).**

## БЕЖИРИМ СОВҒА БУЮМЛАРИ

Хоразм вилоятидаги «Хива сополи» акционерлик жамиятида эллик турдаги ўзига хос эсдалик совғаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларни ишлаб чиқариш учун янги совға буюмлари цехи ташкил этилди.

Шоирона «Наврўз», «Ҳулкар», «Меҳробгул» деб номланган гулдонлар, кичик ҳайкалчалар ва бошқа буюмлар «Ичон-қалъа»га ташриф буюраётган кўплаб саёҳатчиларга манзур бўлмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги рамзи туширилган буюмларнинг бозори жуда чаққон.

*Инсондан қоладигани яхшилик, меҳру оқибат*

## БАҒРИКЕНГЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

***Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ишлашини таъминлаш, ойлик маошни ўз вақтида бериш, жамоа шартномалари ҳамда битимлар орқали меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятимизда асосий ўрин тутмоқда.***

Бу борада Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда бандлик масалалари бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар яхши натижалар бермоқда. Рақамларга эътибор қилайлик, қайта ўқитилган ва малакасини оширган ходимлар сони 400, тармоқлар бўйича барпо этилган янги иш ўринлари 3929 тани, меҳнат бўлимлари орқали касб-корсоҳби бўлган фуқаролар сони 1300 нафарни ташкил этди. Шунингдек, ногиронлар, болали аёллар ва меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган шахслар учун квоталаштирилган иш ўринларига 80 киши жойлаштирилди.

Касаба уюшмалари нодавлат секторига қарашли акциядорлик жамиятлари, қўшма, кичик, ўрта ва хусусий корхоналар билан ҳам ҳамжиҳатликда иш олиб боряпти. Масалан, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталари томонидан 438 та қўшма корхона рўйхатга олиниб, уларнинг 362 тасида касаба уюшма ташкилотлари тузишга эришилди.

Оналар ва болалар йили муносабати билан меҳнат жамоаларида хотин-қизларга қулайлик ва имтиёзлар яратиш, улар меҳнатини қадрлаш каби хайрли ишларга эътибор кучайди. Жамоа шартномалари шартларида хотин-қизлар, кўп болали, кам таъминланган ходимлар манфаатига хизмат қиладиган алоҳида бандлар киритилди. 30 та корхонада 3300 нафар аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди.

(Давоми 2-бетда).

*Мухбир нуқтаи назари*

***Неча йилдирки, Хатирчи туманидаги «Учқора» ширкат хўжалиги раҳбарларининг боши қотган. Нега десангиз, эркатой пудратчи шартнома тузишдан бош тортмоқда. Бригада етакчиси Тошев эса ёзма равишда мурожаат қилишдан чарчамайди.***

## БУ ҚОНУННИ БИЛМАСЛИКМИ ЁКИ МЕНСИМАСЛИК?

Мана унинг сўнгги хати: «...Шуни маълум қиламанки, бригада ҳудудидаги токзор ва боғларда меҳнат қилаётган оилавий пудратчилар билан шартнома имзоланди. Фақатгина Зайниддин Ярматов шартнома тузишдан бош тортмоқда. Бу жамоадаги муҳитга салбий таъсир этмоқда, ўзибўларчилик кайфиятини юзага келтирмоқда».

Очиғи, буни хўжалик раҳбару мутахассислари ҳам кўриб-билиб туришибди. Бироқ, улар ҳам нима қилишга ҳайрон. Қарангки, бундан икки йил муқаддам хўжалик, бригада меҳнатчиларининг Ярматовдан токзорларни қайтариб олиш ҳақида қабул қилган қарори бажарилмай қолди. Кимлардир қўллаб-қувватлаётган оилавий пудратчи зўр чиқди. Оқибат-натижада ҳатто обрабация шартларини узлуксиз бажармай келаётган кишига 1,22 гектар токзор қўшқўллаб топширилди.

Энди иш изга тушиб, З.Ярматов шартнома шартларини бажаргандир, деб ўйларсиз. Асло. У обрабация даврида аниқланган 102 кило майиздан ақалли ярмини топширмади. Хўжалик раҳбарлари яна ер чизиб қолаверишди. «Қовун қовунни кўриб, ранг олади» деганлари рост экан. «Ярматов топширмаганда, биз топширамизми?» дейдиганлар топилиб қолди. Шундай қилиб, 1999 йили пудратчилар 478 гектар ҳосилдор боғда етиштирилган 20 тоннадан зиёдроқ майизнинг исини чиқармай қўя қолишди.

Эҳтимол, бунинг ўзига хос сабаблари, хусусан, сув танқислиги қаттиқ қийнаётгандир, деган мулоҳазага ҳам борилар. Бу муаммо кўп ерда бор. Гап шундаки, биз таъкидлаётган кишиларга эгатдош бўлган 600 нафардан ортиқ пудратчи шартнома шартларини бекаму кўст бажариб келишяпти. Қонун барча учун баробар. Бироқ, буни айрим кишилар тушунишни исташмаяпти.

Ярматов деганимиз ўтган йили ҳам шартнома тузмаслик «ташаббуси» билан чиқди, йил давомида бир грамм ҳам ҳосил топширмади. Ташвишлиси шуки, қатор пудратчилар ҳам унга эргашиб, ноқонуний йўлдан боришмоқда. Оқибатда 40 тоннадан ортиқ майиз хўжалик омборига тушмади. Даромад кутилгандан кам бўлди.

Шартнома — ҳуқуқий ҳужжат. Унинг ижросини таъминламасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бутун бошли хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, қолаверса, касаба уюшма қўмитаси шу оддий ҳақиқатни эркатой пудратчига тушунтира олмаётганликлари ажабланарли ҳол.

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

## ЯНА БИР БОҒ ЯРАТИЛДИ

Хоразм вилоятининг Боғот туманида «Оналар ва болалар» боғи барпо этилди. Янги боғда гуллар, юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Тез орада кишиларнинг севимли дам олиш масканига айланадиган боғда болалар аттракционларини қуриш бошланди.

# БАҒРИКЕНҒЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

(Боши 1-бетда).

Аёллар гигиена хоналари ташкил этиш учун 30 та корхонада 40 миллион сўм маблағ сарфланди, меҳрибонлик уйлари ҳисоб рақамига 2,4 миллион сўм пул ўтказилди.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячисидир. Бу бизга келаётган хатлар сони ортиб бораётганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Сўнгги уч ой ичида ишловчиларга қулай иш ўринлари яратиш, меҳнат хавфсизлиги борасидаги мурожаатларнинг 24 таси қаноатлантирилди. Ишдан қисқартириш, иккинчи гуруҳ ногиронларига имтиёзлар бериш, пенсия масалалари юзасидан 120 кишига оғзаки маслаҳатлар берилди. Шундай масалалар борки, фаолларимиздан изчиллик, қатъиятлик кўрсатишни тақозо этади. Уларнинг ҳар бири инсон тақдири билан боғлиқ ўта масъулиятли вазифага дахлдорлигини, савобли ишларга қўл ураётганлигини қалбдан ҳис қилишмоқда. Бу пировард натижада ҳам яққол кўринмоқда.

Шаҳар техник назоратчилари тарафидан 115 корхона, ташкилотларда ишловчилар меҳнатини муҳофаза қилиш масалалари юзасидан аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўналтирилган 1516 та чора-тадбирлар белгиланди. Булардан 407 таси айнан аёллар иш шароити билан боғлиқ бўлиб, уларнинг бажарилиши натижасида минг нафарга яқин ҳаётимиз гулларининг иш шароити яхшиланди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан 192 минг нафарига хўжалик ташкилотлари, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 135 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Биз жисмоний тарбия ва спортни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширяпмиз. Шу мақсадда ўтказилган «Саломатлик» спартакиадасида спортнинг етти тури бўйича 147 жамоа қатнашди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида уюштирилган ғоят қизиқарли мусобақаларда 1,5 минг ўқувчи иштирок этди. Миллий курашга қизиқувчилар кўпайиб бормоқда. Бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириб боряпмиз.

Ҳадемай ёзги дам олиш мавсуми бошланади. Шу боис, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга тайёрлашга оид ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Муҳим ишда ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлар такрорланмаслигига ҳаракат қилиняпти. Жорий йилнинг феврал ойида шаҳарнинг барча туманларида касаба уюшма қўмиталари раисларининг мувофиқлаштирувчи кенгашлари ташкил этилди. Уларда туман ҳокимиятлари ва бошқармалари билан ҳамкорликда мулкчилик шаклидан қатъий назар меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилишнинг синалган омиллари хусусида алоҳида гап борди. Илғорлар тажрибасини кўпчилик мулкига айлантириш борасидаги қимматли таклифлар, мулоҳазалар инобатга олинди. Инсондан қоладигани яхшилик, меҳру оқибат. Бас, шундай экан, белгиланган хайрли тадбирларни бекаму кўст амалга ошириш учун барча имкониятни ишга соламиз.

**М.СОДИҚОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси.**

***Қибрай туманидаги «Умид гулшани» сиҳатгоҳи ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу кунгача бу ерда қарийб 1500 нафар бемор даволанди. Эътиборлиси шуки, энг нодир тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган масканга мурожаат қилганларнинг кўпчилиги фарзандли бўлиш бахтига мушарраф бўлдилар. Бунда фелдшер-лаборант Фароғат Бердиқулова (ўнгда) қўлигул шифокорлар Ирина Нурматова ва Шокир Ашуровнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

**Д.АҲМАД олган суратлар.**

*Ибрат*

# СИҲАТГОҲҒА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

***Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза этишга алоҳида аҳамият берилади. Бу бежиз эмас. Хусусиятларига кўра бирлашма цехларида инсон саломатлигига зарарли иш ўринлари мавжуд бўлиб, улар зарур муҳофаза чораларини кўришни тақозо этади. Ушбу масала жамоа вакиллари иштирокида тасдиқлаб олинган жамоа шартномасида ҳам алоҳида банд сифатида акс эттирилган.***

Меҳнаткашларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш бирлашма санаторий-профилакторийси шифокорлари томонидан жиддий назоратга олинган ва ҳар ойда цехлар бўйича тиббиёт кўриги ўтказиш одат тусига айланган. Бу кўрик хулосасига асосан ишчига шифохона ёки санаторий-профилакторийга йўлланма берилади, бирлашмага қарашли «Оқтош» пансионатида даволанишлари учун навбатга қўйилади. Яқинда яна бирлашма ҳисобидан ультратовуш аппарати ва мураккаб кўз жарроҳлиги учун ускуналар сотиб олинди. Эндиликда даволанувчиларга аниқ ташхис қўйиш имкониятига эга бўлинди.

Ҳар бир ишловчи ёки бирлашмада меҳнат қилиб, нафақага чиққан кишилар вақти-вақти билан даволанишлари мумкин. Бундан ташқари, тиббиёт масканларида ҳисобда турувчи айрим кишиларга даволовчи врач тавсияси билан йилига бир марта, айрим ҳолларда икки марта йўлланма ажратилади. 2000 йил якуни бўйича 1511 нафар ишчи, хусусан, 752 нафар аёл йўлланма билан таъминланган ҳолда, кам даромадли оила аъзолари, қаровчисини йўқотган кишилардан 729 нафари бепул даволандилар. Ўтган йилда ҳаммаси бўлиб, 2100 одам шифохонада шифокорлар хизматидан фойдаланган бўлса, жорий йилнинг ўтган уч ойида 450 киши, санаторий-профилакторийда, 480 киши пансионатда шифо топди. Кези келганда бирлашма маъмурияти ишчиларни соғломлаштириш учун ўтган йили 18 миллион 590 минг 200 сўм сарфланганлигини таъкидлаш лозим. Уларга хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари ва техник хизматчилардан 15 киши учун қўшимча равишда ишга жалб қилиш ва маош билан таъминлаш мақсадида корхона ҳисобидан 1 миллион 697 минг 861 сўм маблағ ажратилди. «Оқтош» пансионатининг сўлим тоғ бағрига жойлашганлиги, болалар соғломлаштириш маскани ҳам яқин эканлиги ота-оналарнинг фарзандларидан кўнгли тўқ бўлишини таъминлаётир.

Йўлланмалар учун ота-оналардан 500 сўм олинади, қолган пул касаба уюшма ҳисобидан қопланади. Кам таъминланган оилаларнинг болалари учун йўлланмалар бепул. Ўтган йил 910 нафар бола оромгоҳларда даволанган эди. Бу йил ҳам ана шунча болани соғломлаштириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Чирокчи туманидаги Айритом қишлоғида яшовчи Азимшер Сатторов «Менинг ҳам ўз хоббим бор», деганида қишлоқдаги кўпчилик одамлар очиғи, бу сўзнинг луғавий маъносига тушуниб етишмади.***

## АЗИМШЕРНИНГ «ХОББИ»СИ

Айримлар эса, асосан кексалар, Азимшер хориж сармоядорлари билан алоқа боғлаб, қишлоқда бирор корхона тузса керак ёки бўлмаса «хобби» дегани чет эл ускунасининг номи бўлса керак, деб ўйлашди.

Азимшер бўлса ўн кун қаёққадир ғойиб бўлиб, беш юз туп хурмо кўчатларини келтирса бўладими, ана хобби-ю, мана хобби. Даштга баҳор эрта келади. Азимшер кўчатларни экишга-ку экди, аммо бу ерларда сув анқога шафе. Ҳар томчиси эъзозли. Азимжон ўйлай-ўйлай бунинг ҳам йўлини топди. Ўзлари ичиб турган қудуқ сувидан тортиб, кўчатларни бир бало қилиб кўкартириб олсам бўлди, уёғи бир гап бўлар, деб ўйлади.

Айритомликларга эса гап топила қолди. Икки киши суҳбатлашса бас. Азимшернинг хурмосидан сўз очилади. Ҳатто қишлоқнинг олди полвонларидан бири Азимшерга катта бир корхонада бош муҳандис бўлсанг, топиш тутишинг тузук, нима қиласан бошингни қотириб, деди.

Азимжон ориятли йигит эмасми, ортиқча гапсўзларга парво қилмади. Айритом даштининг қоқ ўртасига яна беш юз туп хурмо кўчатини ўтқазди. Сув қувурини елиб-югуриб ишга туширириб олди. Буни қарангки, ер тагидан шўр сув чиқса бўладими? Яна Азимшер маслаҳатга Деновга югурди. Етдим деганда, ора йўлда йиқилиб қолмасам гўрга эди, дея ўйлади. Йўқ, буни қарангки, хурмо деганлари шўрга беписанд экан.

*Шукрона*

***Рамазон ота Асимов асли форишлик. Йигирма тўрт ёшида ҳарбий хизматга чақирилганди. Оилали, икки қизи бор эди. Тақдир экан, кўп йиллар уларни кўрмади. Ватандан йироқда яшади. Мухожирликдаги ҳар бир куни она заминни кўмсаш билан ўтди. Ҳаёт давом этаверди, опасингиллар улғайди, турмушга чиқишди.Бозоргул ва Яхшигуллардан 14 нафар фарзанд дунёга келди. Униб-ўсиб, вояга етиб, улар ҳам ота-она бўлишди. Бозоргулнинг ўғли, отахоннинг суюкли невараси Комилжон Ватан соғинчида армон билан яшаган бобосини Италиядан кўчириб келишга мушарраф бўлди.***

# ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ!

— Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, — дея хотирлайди Рамазон ота. — Урушнинг биринчи кунлари айниқса даҳшатли кечди. Ўша йилнинг охирларида жароҳатланиб асирга тушиб қолдим. Биз — асирларни дастлаб Польша, кейин Германия, Италиянинг ҳарбий лагерларида сақлашди. Уруш тугагач, бизларни лагердан озод қилишди. Лекин Ватанимга қайтиб келиш насиб этмади.

Тақдир экан, Рамазон ота 60 йил Италияда қолиб кетди. Италиялик ҳамшира Палмида билан оила қурди. У дастлаб фермер ерида ишлади. 1960 йилларда ўзи 6,5 гектар ер сотиб олиб, фермер бўлди. Узум, маккажўхори, соя ўсимлиги етиштириш билан шуғулланди. Даромади йилдан йилга кўпайиб, ўзига анча тўқ бўлгач, қишлоғи, икки қизи, жонажон Ўзбекистонини йўқлаб, Форишга кўп бора хат ёзди. Лекин жавоб ололмади. Чунки қишлоқдошлари қатори оиласи ҳам 50-йилларда Қозоғистон чўлларига, ҳозирги Еттисой туманига кўчирилган эди.

— Ватан соғинчи мени бир сония тарк этмади, — дейди отахон, — умр бўйи Ўзбекистонни қўмсаб яшадим. Фермер эдим, ҳамма нарсам етарли. Кейинги пайтларда юртимни қаттиқ соғинганимдан, қўлим ишга бормай қўйди. Наҳотки бир умр ўзга юртда қолиб кетаманми, деган ҳадик билан куним ўтарди. Худога минг қатла шукрлар бўлсинким, Ўзбекистоним мустақил бўлганини телевизорда кўриб, эшитиб севинчдан йиғлаб юбордим. Истиқлол соғинчимга малҳам қўйди. Оиламни топдим.

Рамазон ота Асимов олтмиш йиллик айрилиқдан сўнг ўз она Ватанида қизлари, невералари, қариндошлари оғушида яшамоқда. Ота маслаҳати билан Комилжон Мирзачўл туман марказида ажойиб ошхона қурди.

— Ўзбекистоннинг келажаги нурафшон, — таъкидлайди ота. — Тадбиркорликка ва ишбилармонликка кенг йўл очиб берилган. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилиб, ишбилармонлар сафи кенгаяётганидан ғоят мамнунмиз. Ўзим 43 йил фермер бўлганман. Невараларим, ҳамқишлоқларимга қўлдан келганча кўмаклашаяпман.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ИШЧИ КАЙФИЯТИ

**меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омили**

***Марғилон ипак газламаси акциядорлик корхонасига 1999 йил августида 50 та дастгоҳ келтириб ўрнатилган, эскилари таъмирланиб 210 кишига қулай иш шароити яратилган эди. Натижада ўтган йили 350 минг погон метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб режа ортиғи билан бажарилди.***

Маълумки, бир пайтлар Марғилон ипагининг довруғи етти иқлимга машҳур эди. Жамоанинг айни кундаги мақсади ҳам ўша даврдаги корхона шуҳратини тиклашдир. Бунинг учун жорий йилда дастгоҳлар сонини 300 тага, иш ўринларини 250 га етказиб 1 миллион 21 минг погон метр юқори сифатли газлама ишлаб чиқариш режалаштирилган. Табиий ипакдан тайёрланаётган «Узук кўзи», «Заркокил», «Хосиятхон» каби атласлар ёнига янгидан яратилган хонатлас нусхалари, шойи, беқасам, адрас ва пахта ипагидан тўқилган курткабоп газламалар қўшиладики, уларни барчага манзур бўлишига шубҳа йўқ.

Табиийки, қаерда меҳнатга рағбат кучли бўлса, ўша жойда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Фабрикада жорий йилнинг январ ойидан меҳнат шарт-шароитлари харитаси тузилди. Ишчилар иссиқ овқат, сут, кийим-бош билан таъминланиб, ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилмоқда.

Корхона ишга туширилгандан буён қисқа вақт мобайнида 28,6 тонна хом ипак ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сифати кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган турдош корхоналар маҳсулотидан қолишмайди. Шунинг учун хом ипак ва ипакли чиқиндиларга истеъмолчилар талаби катта бўлмоқда.

Корхона томонидан олинаётган соф фойда ишлаб чиқариш қувватини оширишга, ишчилар учун меҳнат шароитларини яхшилашга, уларни ижтимоий ҳимоялашга, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга сарфланмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни кўпайтириш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш учун корхонада Японияннинг «ОНОСИЛК» РИЛИНГ КОЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона қуриш ишлари лойиҳаштирилаяпти. Бу қўшма корхона ишга тушса унинг қуввати янада ошиб хом ипак ишлаб чиқариш 120 тоннага кўпаяди, 200 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

**А. ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ

***Ширин шаҳри яқинидаги Нуробод қишлоғига табиий газ келди.***

Айни пайтда ундан 130 та оила фойдаланмоқда. Бошқа хонадонларга газ ўтказиш ишлари давом этаётир. Нурободликлар турмушидаги ижобий ўзгаришларни бошқа ишларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, ўтган йили бу ерда қишлоқ шифо пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Қишлоқни шаҳар билан боғловчи автобус йўналиши ишга тушди.

— Энди қишлоғимизга тоза ичимлик суви тармоғини тортсак, турмуш тарзимиз шаҳарликларникидан фарқ қилмай қоларди, - деди маҳалла оқсоқоли Холқўзи Абдусатторов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Тез орада бу иш ҳам амалга ошишига ишончим комил.

*Оғусиз дунё сари*

# АҚЛ ҚУШАНДАСИ

***— Бу қандай бало-офат дард эканки, унга гирифтор бўлган кимса ўзининг инсонлигини унутиб қўйса! Ўғлим ўша қуриб кеткур оғуни деб, уйимдаги борбисотимни, ўзининг тўйига ғамлаб қўйган кўрпа-тўшакларимгача сотиб бўлди. Кейинги кунлари ўтирган уйимизнинг эшик-ромлариниям кўчириб, пуллаворипти! Шу зорманда гиёҳвандликни ташлагин деб, ер ўпиб зорлансам, корнимга пичоқ ниқтаб, қора дори ўлгурга пул топишни талаб қилади. Опа-укаларигаям шунақа талаб қўяверганда кейин, уларни қариндош-уруғларникига кочирвордим. Она эканман, нима қилай, соғ бўлиб соғмас, телба бўлиб телбамас ўғлимни шу ҳолда ташлаб, ўзим бош олиб кетолмайман-ку!***

Вилоят руҳий соғлиқни сақлаш марказига нажот излаб келган она ҳўнг-ҳўнг йиғлаган ҳолда, шифокорларга шундай ҳасрат қиларди.

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бугун ҳали туз тотганим йўқ. Кеча озиб-ёзиб болам учун бир қозон қайнатай деб, қўшнидан бир парча гўшт билан тўрттагина картошка-пиёз олиб чиқсам, ўғлим шуниям қўлимдан шарт тортиб олди-да, кўчага чиқиб кетди... Шўрим қурсин: ўғлим қурилишда бинойидек ишлаб, туппа-тузук пул топиб келаётган эди. Наша чекаркансан деб ҳайдашди. Яхшигина бир хонадоннинг қизига унаштириб, тўйга тараддуд кўраётгандик. Улар ҳам айниб, қизларини бошқага берворишди.

Марказ ходимлари шўрлик онанинг қилган илтимосларини ерда қолдирмай 21 ёшли Р.ни даволагани шифохонага олиб келдилар. Лекин йигит бир ҳафта ётиб-ётмай, қора дори излаганча қочиб кетди. Учинчи ҳафтага ўтиб эса бечора она милиция идорасига соч юлиб кирди:

— Ўғлим ўтирган уйимни гаровга қўйиб, бировдан катта миқдорда пул олипти. Берган оқ сутимни юз-хотир қилмай, «бир оёғингни гўр тортиб турипти, бирор қариндошникига сиғиб қоларсан!» дейди! Хўп, мен-ку бир кунимни кўриб кетарман. Ўғлимнинг ўзига нима бўлади? Ахир, у қарзини қандай узади? Жон мелиса болам, ўғлимни қамаб қўйинглар, зора ўша ёқда бу балодан қутилиб келса!

Мана сизга қорадори кириб борган бир хонадоннинг аҳволи. Мазкур иллатга дучор бўлганлардан яхшилик кутишнинг ўзи ғалати. Улар бундан-да, мудҳишроқ қилмишларга қодирдирлар. Асакалик Маҳмуд Иброҳимов, Илҳом Ризаев, Нодир Нуъмоновларга нима етишмасди? Шу балога гирифтор бўлишди-ю, одамгарчиликдан чиқишди. Кунлардан бирида улар наркотик моддага пул тополмай, шаҳардаги уйлардан бирига ўғирликка киришди. Уй эгалари уйғониб қолгач, учовлон нашаванд уй эгаси ва унинг меҳмонини шафқатсизларча ўлдиришди. Буям етмагандай, ўз изларини йўқотиш учун уйга ўт қўйиб кетишди. Пахтаободлик собиқ чевар аёл эса шу иллатга берилиш туфайли, эрдан ажралган, уч болани опаларига топшириб, ўзи «кўча аёли»га айланди қолди. Яқинда эри уни оналик ҳуқуқидан маҳрум этишни сўраб, судга ариза ёзди.

Марказ бош ҳакими Илҳомжон Ваҳобов билан бўлим мудири Неля Аҳмаджоноваларнинг айтишларича, бу ерда мажбурий даволанувчилар учун 40 та ўрин ажратилган. Бундан ташқари, пинҳоний даволанаётганлар ҳам бор. «Пинҳоний»лар — ўзига анчайин тўқ оилаларнинг арзандалари. Тўқликка шўхлик қилиб, гиёҳванд бўлиб қолган бу кимсаларнинг исми-шарифидан тортиб, ота-оналаригача сир тутилади. На илож, марказ шунга ҳам рози: ишқилиб шу дарддан қутилишса, соғайиб кетишса бўлгани.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Марказ ва унинг қошидаги поликлиника ходимлари маҳалламаҳалла юриб, гиёҳвандни дараклайдилар, борини ҳисобга оладилар, аср вабосининг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказадилар.

Қорадори исканжасига тушганлар фақат шу касаллик азобини тортиб қўяқолмайдилар, улар истеъмолни оширган сайин ашаддийлашиб боравердилар, натижада турли-туман юқумли касалликлар келиб чиқади. Қолаверса, инсонликни маҳв этувчи бу касалликнинг ўта хавфли томони ҳам бор: гиёҳвандлар майиб-мажруҳ бола туғилишига, наслнинг бузилишига ҳам сабабчи бўладилар.

— Боламга ўхшаб қорадори жинкўчасига кириб қолганларни даволашга ҳукуматимизнинг қаттиқ киришганини кўриб турибман. Милиция ҳам, шифокорлар ҳам, жамоатчилик ҳам бефарқ қараётгани йўқ. Билиб-билмай гиёҳвандликка ружу қўйганларнинг кўпчилиги даволаниб чиқишяпти, - дейди она куйиниб, - лекин ўша офатни тарқатиб юрганларни тағин-да шафқатсизроқ бўлиб жазога гирифтор этмоқ зарур!

**М.АБДУКАРИМОВ,**
**Андижон вилояти.**

# TV дастури

**30 апрел-6 май**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

## ДУШАНБА, 30

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Имом-ал Бухорий» («Узкинохроника»)
9.10 Лирик тароналар.
9.35, 12.30 ТВ-метео.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Ўрдакқўл воқеаси». Бадиий фильм.
11.10 «Шохруҳ клуби».
11.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.35 «Учинчи сайёра сири». Мультфильм премьераси.
13.20 Яқшилар ёди. «Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Охунова хотирасига бағишланган бадиий-мусиқий дастур.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Олам». Телеальманах.
14.55 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
15.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Биз билган, билмаган тарих».
16.45 Болалар учун. «Бинафша».
17.10 Экранда - телесериал. «Борже узуги».
18.10 «Маърифатли дунё».
18.25 ТВ-клип.
18.35 «Суғурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишланган бадиий-спорт байрами.
22.25 «Қалбингиз қўшиқа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.55 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.25 «Ахборот».
00.00-00.05 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

10.55 Кўрсатувлар дастури.
11.00 «Давр тонги».
12.00 «Алишер Навоий». Видеофильм. 13-қисм.
12.35 Олтин мерос.



12.40 «Давр». Ҳафта ичида.
13.20, 16.10 Мусиқий лаҳзалар.
13.25 «Тоҳир ва Зуҳра». Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқий драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.10 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».
15.25 «Тоҳир ва Зуҳра». Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқий драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.55 Спортҳафтаномаси.
16.15 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» почтаси.
16.55 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 16-қисм.
17.20 «Мультомоша».
17.35 Умид чечаклари.
17.45 Олтин мерос.
17.50 Хотира ва қадрлаш куни олдидан: «Эрта сўнган юлдузлар». Шарофиддин Шарипов.
18.10 Оқшом наволари.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55, 20.30, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
19.00 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими. Жиззахдан олиб кўрсатилади.
20.35 Фурқат Мирзаев куйлайди.
20.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.10 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Бунёдкорлик». «Одамларнинг гаминг ўйлаб...»
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00, 22.35, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.10, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
22.00 «Авто-news».
23.05 «Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 CFI тақдим этади: «Канн Фестивалининг тарихи».
17.25 «Болалар куйлаганда».
РЖТ
17.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.50 «Зарби қаттиқ қуч». Сериал.
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.35 «Бизнес-ревю».
20.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
21.05 «Клип антракт».
21.20 Кинематограф. «Хусусий детектив – Варшавский». Бадиий фильм.
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 1

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Созим - ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб».
9. 30 «Аёл - дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.45, 12.15 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
11.15, 16.55 ТВ-клип.
11.20 «Камолот сари».
11.40 «Фарзанд - умид юлдузи».
11.55, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Нўхот полвон». Мультфильм.
12.20 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари.
12.50 «Маънавият» дастури.
13.35 «Рақслар гулдастаси».
14.10 «Қабул соати».
14.35 Кундузги сеанс: «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
15.50 «Остонаси тиллодан».
16.15 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
17.05 Экранда - телесериал «Борже узуги».
18.10 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Муҳаббатнинг сирли эртаги». О. Ёрова.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 «Қўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.30 «Олам». Телеальманах.
23.05 «Ахборот».
23.40 «Келдио, кетди». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00" .Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
9.30 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 17-қисм.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
